

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.03РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБАНОВА НОДИРА НАВРУЗОВНА**

**КАВЕРГАЛ, ГЕРАНИЛ ВА КАТАЦИН ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ  
МОЛЕКУЛЯР ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.01 – Биокимё  
14.00.17–Фармакология ва клиник фармакология**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of (PhD)  
on biologicalsciences**

**Қурбанова Нодира Наврузовна**

Кавергал, геранил ва катацин препаратларининг  
молекуляр таъсир механизмларини ўрганиш..... 3

**Курбанова Нодира Наврузовна**

Изучение молекулярных механизмов действия  
препаратов кавергал, геранил и катацин..... 23

**Kurbanova Nodira Navruzovna**

Study of molecular mechanisms of action  
drugs cavergal, geranyl and catacin ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.03РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБАНОВА НОДИРА НАВРУЗОВНА**

**КАВЕРГАЛ, ГЕРАНИЛ ВА КАТАЦИН ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ  
МОЛЕКУЛЯР ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.01 – Биокимё  
14.00.17–Фармакология ва клиник фармакология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.4. PhD/B498 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ibb.uz](http://www.ibb.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Иноятова Феруза Ҳидоятовна**  
биология фанлари доктори, профессор  
**Хушбақтова Зайнаб Абдурахмановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдуллаева Муборак Махмусовна**  
биология фанлар доктори, профессор  
**Аллаева Мунира Жўрақуловна**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчига ашқилот:** **Бухоро Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс (+998971) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс (+998978) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.У. Қулманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсонларнинг «...барча соматик касалликлари орасида келиб чиқиши турлича бўлган жигар шикастланишлари кенг тарқалган бўлиб, етакчи ўринларни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Жигарнинг турли шикастланишлари организмда оксил, липид ва карбонсувлар алмашинувидаги марказий ўрни билан балким, организмга доимо тушиб турувчи ва метаболизм жараёнида ҳосил бўлувчи ёт моддаларни зарарсизлантириши ва тўсиқ вазифасини бажариши билан боғлиқ. Турли омиллар таъсирида «...гепатоцитларда ривожланадиган структур-функционал ўзгаришлар, уларда синтетик жараёнларни сусайиши, моддалар алмашинуви жараёнларининг ўзгариши, жигарнинг зарарсизлантириш вазифасини пасайиши, организмнинг биологик суюкликларида эндо- ва экзобиотикларнинг тўпланиши, эндотоксинемия ривожланиши ҳамда аъзо ва тўқималар фаолиятларини етишмовчилигига сабаб бўлади, бу эса асосий касалликнинг кечишини янада оғирлашишига олиб келади...»<sup>2</sup>. Шу сабабли жигар функционал фаолияти бошқарув механизмларини молекуляр даражада баҳолаш ва уни токсикантлар таъсирига метаболик мослашув жараёнларини ўрганиш замонавий экспериментал ва клиник гепатологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда жигарнинг репаратив регенерациясини фаоллаштириш, жигар синдромларини камайтириш ва фиброзланиш жараёнларини олдини олишга қаратилган дори воситаларни яратишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада янги маҳаллий ўсимлик дори воситаларини ўткир токсик гелиотринли гепатитда ривожланган асосий жигар синдромларини: цитоллиз, холестааз, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-хужайра етишмовчилигини коррекциялаш самарадорлигини асослашдан иборат. Замонавий гепатологиянинг жадал ривожланиши ва янги замонавий усулларни жигар касалликларда қўлланилишига қарамасдан, беморларнинг кўпчилигида сурункали гепатитлар ва жигарнинг фиброзланиши кузатилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг оғирлашишига сабаб бўлмоқда. Маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган катацин, геранил ва кавергал проантацианидинларнинг юқори антигипоксант хусусиятлари уларни маҳаллий дори воситаси сифатида қўлланилишига имкон берган. Тиббиётда арзон, токсик хусусиятларга эга бўлмаган, юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи ва самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий хом ашёлардан олинадиган гепатопротектор дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup>Глобальный доклад ВОЗ о гепатите 2017 г. [www.who.int/hiv/topics/hepatitis/ru/](http://www.who.int/hiv/topics/hepatitis/ru/)

<sup>2</sup>Trepo, Christian . "A brief history of hepatitis milestones". *Liver International*. 34 (Supplement s1): 29–37.

Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгиланган<sup>3</sup>. Бу борада, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдиган янги дори воситаларини яратиш ҳисобига аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик олимлар томонидан жигар касаллигининг молекуляр механизмлари, репаратив регенерация жараёнларини фаоллаштирувчи турли хил дори воситалар яратиш, шу жумладан биофлавоноидлар ва проантацианидинлар ҳосилаларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган, уларни биологик фаоллиги аниқланган. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар хорижий олимлар Shashank Kumar, Abhay K. Pandey (2013), Stefan Mauss, Thomas Berg (2017), Abdur Rauf, Seema Patel (2018), Saima Naz (2018), Haoan Zhao (2018), Alireza Rezaee-Khorasany (2019) ва бошқалар томонидан жадал ривожлантирилган. МДХ мамлакатларида токсик ва вирусли гепатитларда хужайраларнинг программалашган ўлими, интерлейкинлар ген экспрессиясини ортиши, каспаза 8 ген экспрессиясига нисбатан тез содир бўлиши, мембраналарни емирилиши, гепатоцитлар деструкциясини ошириш қонуниятлари В.И. Маев (2004), С.Д. Подымова (2005), В.Н. Козько, Э.П. Яковенко (2011), В.Ф. Учайкин (2012), С.С. Вялов (2018), Н.Д. Ющук (2018), Ройтберг Г.Е., Струтынский А.В. (2020) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Жигар касалликларида ўсимлик гепатопротекторлар кўп бўлишига қарамасдан, ушбу касалликларни даволашда бир қатор ноқулайликлар бўлганлиги учун янги турдаги универсал ва комплексли дори воситаларини ишлатиш ва янги

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

даволаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, Н.П. Скакун (1995), Е.Г. Доркина (2004), В.Е. Новиков, Е.И. Климкина (2005), О.М. Ипатовой (2005), А.И. Венегровский (2006), Л.П. Галактионова и О.В. Азарова (2012), Ю.С. Тараховский Ю.С. (2013), Н.С. Белоусова (2016), Я.Ф. Зверев (2017, 2019) ва бошқалар турли хил ўсимликлардан гепатопротекторларни ажратиб олиш ва тиббиётда қўллаш билан шуғулланишган.

Кейинги йилларда юртимизда маҳаллий ўсимликлардан биофлавоноидлар ва проантацианидинлар ҳосилаларини ажратиб олишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўсимликлар кимёси институти фармакология бўлими ходимлари С.З. Нишанбаев, В.В. Сыров, З.А. Хушбақтова, Д.Р. Сиддиқов ва Д.А. Норбутаевалар (2011) томонидан кўпчилик биофлавоноидлар ва проантацианидинлар ажратиб олинган ва фармакологик хусусиятлари ўрганилган. Биофлавоноидлар ва проантацианидинларнинг антигипоксанти, антиоксиданти ва мембраностабилизатор хоссалари аниқланган, бироқ, уларнинг гепатопротекторлиги, яллиғланишга қарши, хужайра мембранаси деструкцияси ва апоптозга қарши таъсир механизми бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бундай тадқиқотлар янги ўсимлик гепатопротекторларини ишлаб чиқиш ва самарали даволашни йўлга қўйиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Улар каби янги дори воситаларни яратиш, гепатопротектив таъсир механизмларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш нафақат маҳаллий дори воситалар кўламини кенгайтиради, балки клиник амалиётга кенг кириб боришига олиб келади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1800232 «Айрим патологик ҳолатларнинг ривожланишини молекуляр-хужайравий механизмлари ва уларни коррекциялаш» (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** кавергал, геранил ва катацинларнинг гепатопротектор таъсир механизмларини жигарнинг ўткир гелиотринли шикастланиши моделида солиштирма баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

янги маҳаллий ўсимлик дори воситаларини ўткир токсик гелиотринли гепатитда ривожланган асосий жигар синдромларини (цитоллиз, холестаза, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-хужайра етишмовчилиги) коррекциялашда самарадорлигини солиштирма баҳолаш;

ўткир токсик гепатит моделида янги препаратларнинг антиоксиданти ва мембрана мустаҳкамловчи хусусиятларини баҳолаш;

ўткир токсик гелиотринли гепатит моделида геранил, катацин, кавергал препаратларнинг яллиғланишга олиб келувчи цитокинлар миқдори таъсирини солиштирма таҳлил қилиш;

Ўткир токсик гелиотринли гепатит моделида янги маҳаллий ўсимлик воситаларининг апоптозни олдини олишда самарадорлигини солиштирма баҳолаш;

Ўткир токсик гелиотринли гепатит ва уни ўсимлик препаратлари билан даволашда морфологик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзФА Ўсимликлар кимёси институти фармакология бўлимида ажратиб олинган катацин, геранил, кавергал ва киёсий стандарт гепатопротектор карсил препарати, интакт ва ўткир гелиотринли гепатитли каламушлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида катацин, геранил, кавергал ва карсил дори воситалари гепатопротекторлик хусусиятларини аниқлаш учун жигарнинг ультраюпқа кесмалари, ҳайвонларнинг қони ва қон зардоби материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда *in vivo* шароитида замонавий биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор жигарни ўткир токсик шикастланишида янги ўсимлик препаратлари катацин ва геранилнинг гепатопротекторлик хусусиятлари аниқланган, уларни қўллаш цитолиз, холестаза, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-хужайра етишмовчилиги кўрсаткичларини бартараф этишда самарадорлиги исботланган; катацин ва геранил гепатопротекторлик хусусиятлари бўйича стандарт карсил дори воситасидан қолишмаслиги ва антигипоксанти кавергалга нисбатан анча юқорилиги исботланган;

ўткир токсик гепатитни янги катацин ва геранил препаратлари билан экспериментал коррекциялаш этаминал наркози уйқу давомийлигини ишонарли қисқартириши ва уларни ёт моддалар биотрансформациясига ижобий таъсирдан далолат бериши, уларнинг бу хусусияти карсил дорисидан қолишмаслиги ва кавергалдан анча устунлиги аниқланган;

ўткир гелиотринли гепатит моделида катацин ва геранил антиоксидант хусусиятга эга бўлиб, жигар гомогенатида малон диальдегид миқдорини камайтириши, каталаза ферментини фаоллаштириши ва бу хусусиятлари бўйича карсил ва кавергалдан юқорилиги исботланган;

ҳайвонларда чақирилган ўткир токсик гепатитда яллиғланишни келтириб чиқарувчи цитокинлар миқдори кескин ошиши кузатилиб, флавоноидли ва проантацианидинли янги дори воситалар улар миқдорини камайтиради, катацин ва геранилнинг бундай хусусияти солиштирма препаратларга нисбатан юқорилиги тасдиқланган;

ўткир токсик гелиотринли гепатитда иммун ва, айниқса апоптоз йўллари фаоллашиви аниқланган, катацин ва геранилнинг гепатопротектив таъсирини гепатоцитлар апоптозини сусайиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор янги дори воситаларни гепатопротекторлик хусусияти морфологик тасдиқланган, геранилнинг таъсири оқсил синтезини жадаллашиши, жигарнинг иммунорегулятор хусусиятини фаоллашуви ва

сафро ажратиш йўллари тикланиши билан боғлиқ бўлса, катацин ва карсилнинг таъсири гепатоцитлар структурасини тикланиши билан боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги ўсимлик дори воситалари катацин ва геранилнинг гепатопротектор восита сифатида қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

янги ўсимлик дори воситаларининг гепатопротекторлик хусусияти, антиоксидант, мембрана мустаҳкамловчи, антиапоптотик ва регенератив хоссалари жигар касалликларини даволаш учун муқобил усул сифатида маҳаллий ҳом ашёдан олинган катацин ва геранилдан фойдаланиш афзаллиги исботланган;

катацин ва геранилнинг гепатопротекторлик хусусияти импорт дори препаратларидан қолишмайди ва жигар хасталиklarини даволаш воситаси сифатида фойдаланиш учун тавсия қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар; халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ишончлилиги мутахассислар фирки, ҳамда халқаро ва республика конференцияларида муҳокамаси билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги препаратларнинг гепатопротектор хусусиятини аниқлаш, уларнинг антиоксидант, мембраностабилизатор, жигарнинг детоксикация жараёнларини фаоллаштируви, яллиғланишга қарши, ҳамда антиапоптотик таъсир механизмини ёритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўткир гепатитларни даволашда катацин ва геранил дори воситаларининг самарадорлигига асосланди. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига бу бирикмани тақдим этиш учун асос бўлади. Ушбу дори воситасини клиник амалиётга жорий этиш жигар касалликларни даволаш самарадорлигини ошириши, сарф-харажатларни камайтириши ва импортни камайтирувчи хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланади. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратнинг яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кавергал, геранил ва катацин дори воситаларининг молекуляр таъсир механизмларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Жигарнинг токсик зарарланишини маҳаллий дори воситалари билан даволаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 мартдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли этиологияли жигарнинг токсик захарланишида

маҳаллий дори воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва жигар касалликларни камайтириш имконини берган;

Кавергал, геранил ва катацин дори воситаларининг молекуляр таъсир механизмларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги олий ўқув юртлариаро илмий тадқиқот лабораторияси, Тошкент Давлат стоматология институти қошидаги стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги ҳамда Республика патологик анатомия бюроси фундаментал тадқиқотлар лабораториялари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 03 августдаги 8н-з/93-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жигарнинг токсик зарарланишини даволаш самарадорлигини ортиши, ўлим даражаси ва асоратлар ривожланишининг пасайиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигарни токсик шикастланиши, ташҳиси ва гепатопротекторлар билан даволаш муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида ўткир токсик гепатитлар муаммоларининг ҳозирги ҳолати, жигарнинг зарарланиш синдромлари ташҳиси, гепатопротекторларнинг таъсир механизми тўғрисидаги замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотлар материал ва қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва методларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси» га мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1985). Тажрибалар 85 оддий лаборатория рациониди яшовчи 180-220 грамм оғирликдаги оқ, зотсиз каламушларда ўтказилган. Ўткир токсик гепатит модели 75 та каламушларда гелиотринни 200 мг/кг миқдорда тери остига юбориш орқали чақирилди. Ўлим ҳолати 10,7% ни ташкил қилди ва бу гелиотриннинг заҳарли таъсири билан боғлиқ бўлди. Токсик модда киритилганига 3 кун ўтгандан кейин қолган 67 та каламушлар 5 та гуруҳга бўлинди ва қуйидагилар юборилди: 1-чи гуруҳдаги 15 каламушларга физиологик эритма 5 мл/кг миқдорда вазн оғирлигига (назорат); 2-чи гуруҳдаги 13 каламушларга анъанавий гепатопротектор карсил (таққослаш гуруҳи); 3-чи гуруҳдаги 13 каламушларга катацин; 4-чи гуруҳдаги 13 каламушларга геранил; 5-чи гуруҳдаги 13 каламушга кавергал. Моддалар 12 кун мобайнида ошқозон ичига 100 мг/кг миқдорда ҳар куни эрта билан киритиб турилди. Гуруҳларда ўлим кузатилмади. Даволаш муддатининг 6-чи ва 12-чи кунларида, жигарнинг зарарсизлантириш функциясини ўрганиш мақсадида этаминал уйқу тести ўтказилди ва 24 соатдан сўнг умуртақали ҳайвонларни ҳимоя қилиш Европа конвенциясига (Страсбург, 1986) амал қилган ҳолда енгил эфир наркози таъсирида жонсизлантирилди. Каламушлар қони йиғиб олинди ва жигар кесиб кўрилди. Қон зардобда цитолиз, холестаза, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-ҳужайра етишмовчилигининг биокимёвий кўрсаткичлари (билирубин, умумий оксил, альбумин миқдори ҳамда аланин-(АЛТ), аспартат-(АсАТ) аминотрансферазалар, гамма-глутамилтранспептидаза (γ-ГТ), ишқорий фосфатаза (ИФ) фаоллиги) MINDRAY BA-88A (Хитой) анализаторида CYPRESS Diagnostics (Белгия) фирмаси реагентларидан фойдаланган ҳолда аниқланди. Зардобнинг бир қисмида интерлейкинлар (ИЛ-1, ИЛ-6), ўсмани некрозловчи омили (ФНО-α) ва цитохром с миқдори иммунофермент усулида "Eliza" иммунофермент анализаторида (Германия) Санкт-Петербург Ўта Соф Биопрепаратлар Илмий Тадқиқот Институти МЧЖ "Цитокин" компанияси реактивларида аниқланди. Жигарнинг бир қисми морфологик текширувлар учун формалин эритмасига олинди, 1 г жигар совуқ трис-НСl, рН 7,2 буфер эритмасида ювилди, майдаланди ва 1:9 нисбатда шу эритмада гомогенизацияланди. Барча жараёнлар музли камерада олиб борилди. Гомогенатда умумий оксил (Lowry, et al., 1951) ва МДА миқдори (Л.И. Андреева ва бошқ., 1988), ҳамда каталаза фаоллиги (М.И. Коралюк ва бошқ., 1978) аниқланди. Олинган натижалар статистик қайта ишлаш ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (Microsoft, USA) таҳлил амалий дастурлари пакети асосида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Ўткир токсик гелиотринли гепатитда кавергал, геранил ва катацин препаратларининг гепатопротектор таъсир механизмлари**» деб номланган учинчи бобда гелиотринли ўткир токсик

гепатитда ўсимлик препаратларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

*Ўткир токсик гепатитда гепатопротекторларнинг жигар шикастланиши синдромлари кўрсаткичларига таъсири.* Тадқиқотларимизда гелиотрин билан жигарни ўткир шикастланишида барча синдромларни ривожланганини кўрдик. Бу ҳақиқатдан ҳам жигарни ўткир шикастланишдан далолат беради ва модель мақсадга мослигини кўрсатади (1-жадвалга қarang). Гепатопротекторлар фармакотерапиясида холестаза, мезенхимал яллиғланиш, цитоллизларнинг юқори кўрсаткичлари пасайишига, альбуминлар миқдорини ортишига олиб келди, бу эса жигарнинг синтетик функцияси яхшиланишидан далолат берди. Аммо уларнинг яққоллиги кўлланилган ўсимлик моддаларига ва даволаш муддатига боғлиқ бўлди.

**1 жадвал**

**Ўткир токсик гепатитни фармакотерапияда каламушлар қон зардобиди аминотрансферазалар фаоллиги,  $M \pm m$ ,  $n=6-7$**

Гуруҳлар	Ферментлар фаоллиги ва фармакотерапия муддатлари			
	АЛТ, U/l		АСТ, U/l	
	6 кун	12 кун	6 кун	12 кун
Интакт	70,47±3,38		121,61±12,77	
ЎТГ+H <sub>2</sub> O	313,20±18,66 <sup>а</sup>	266,33±12,86 <sup>а</sup>	285,50±16,64 <sup>а</sup>	230,33±12,36 <sup>а</sup>
ЎТГ+катацин	111,35±5,24 <sup>а,б</sup>	91,38±3,72 <sup>а,б</sup>	227,50±16,10 <sup>а,б</sup>	182,67±12,17 <sup>а,б</sup>
ЎТГ+геранил	106,45±6,71 <sup>а,б</sup>	106,33±3,71 <sup>а,б</sup>	224,50±11,27 <sup>а,б</sup>	172,27±13,55 <sup>а,б</sup>
ЎТГ+кавергал	169,55±8,45 <sup>а,б,в</sup>	193,00±4,89 <sup>а,б,в</sup>	233,17±18,27 <sup>а,б</sup>	190,33±25,98 <sup>а,б</sup>
ЎТГ+карсил	109,58±7,37 <sup>а,б</sup>	129,42±6,97 <sup>а,б</sup>	238,00±16,55 <sup>а,б</sup>	181,50±8,41 <sup>а,б</sup>

Изоҳ: а – фарқ интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан ( $P < 0,05$ ), б – даволанмаган гуруҳга нисбатан ( $P < 0,05$ ), в – таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан (ЎТГ+карсил) ( $P < 0,05$ ).

Умумий, боғланган ва эркин билирубин миқдори даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан катацин қўлланилганда 1,97; 2,11 ва 1,8 маротаба, геранилда қабул қилган гуруҳда 2,98; 4,35 ва 2,04 маротаба, кавергалда 1,83; 2 ва 1,62 маротаба, карсилда қўлланилганида 2,31; 2,42 ва 2,16 маротаба камайди. Аммо, камайиш бундай бўлганлиги билан, умумий билирубин миқдори интакт каламушларда: 2,35; 1,56; 2,54 ва 2,01 маротаба, боғланган билирубин – 6; 2,92; 6,35 ва 2,53 маротаба мос равишда катацин, геранил, кавергал ва карсил қўлланилган гуруҳларда юқориликча сақланиб қолди. Боғланмаган билирубин миқдори ЎТГ каламушларида катацин ёки кавергал билан даволанганда интакт каламушларидан 1,34 ва 1,49 марта юқори, геранил ёки карсил қўлланилганда меъерий кўрсаткичларга яқин бўлди. Препаратларни 12 кун давомида киритилганида ижобий натижалар сақланиб қолди. Демак, янги гепатопротекторлар катацин ва геранил

гипербилирубинемияни бартараф қилишда қўлланилиши мумкин ва бу хусусиятлари бўйича карсил гепатопротекторидан устундир. Антигипоксантик кавергал гипербилирубинемияни қисман пасайтиради.

Доривор моддаларни 6 кун қўллаганда ИФ ва  $\gamma$ -ГТ фаоллиги катацин таъсирида 2,07 ва 3,06 марта, геранилда 2 ва 3,17 марта, кавергалда 1,91 ва 1,13 марта, карсилда 2,47 ва 2,88 марта камайди. Доривор моддалар 12 кун давомида киритилганда ИФ фаоллиги даволанмаётган гуруҳга нисбатан 2,29; 2,49; 1,45 ва 1,98 марта пасайди. Бунда барча гуруҳларда кавергал қўлланилганда фермент кўрсаткичи интакт каламушларга нисбатан юқори бўлди. Катацин, геранил, кавергал ва карсил қабул қилган каламушларда  $\gamma$ -ГТ фаоллиги даволанмаётган гуруҳга нисбатан сезиларли даражада 4,3; 3,87; 1,12 ва 2,92 марта камайди, аммо интакт каламушларга нисбатан 1,33; 1,48; 5,11 ва 1,96 марта юқори бўлди.

ЎТГ да тимол синамаси ишонарли  $6,10 \pm 0,56$  бирликгача кўтарилди, интакт каламушларда бу кўрсаткич  $2,86 \pm 0,16$  бирликни ташкил қилди. ЎТГ катацин, геранил, кавергал ёки карсил билан даволаганда бу кўрсаткичлар статистик ишонарли  $4,35 \pm 0,33$ ;  $3,90 \pm 0,26$ ;  $4,65 \pm 0,23$  ва  $4,42 \pm 0,28$  бирликгача пасайди. Тажрибанинг кейинги муддатларида ЎТГ+Н<sub>2</sub>О гуруҳи хайвонларда тимол синамаси ортиб борди ва  $6,68 \pm 0,36$  бирликни ташкил қилди. ЎТГни катацин, геранил, кавергал ва карсил билан 12 кун давомида фармакотерапияси ўтказилганида мезенхимал яллиғланиш синдроми пасайиши кузатилди. Тимол синамаси  $3,57 \pm 0,20$ ;  $3,28 \pm 0,15$ ;  $5,47 \pm 0,35$  ва  $4,72 \pm 0,21$  бирликгача ишонарли пасайганини кўрдик. Аммо улар интакт хайвонлар кўрсаткичларига нисбатан юқориликча сақланиб қолди. Демак, гелиотринли токсик гепатитни янги ўсимлик гепатопротекторлари билан даволаш мезенхимал яллиғланиш жараёнларини сусайтирар экан. бунда препаратларни ўзига хос таъсири аниқланди: катацин ва геранилнинг таъсири стандарт карсил препаратидан устун бўлди, кавергалнинг таъсири эса жуда суст бўлди.

Юқорида қайд қилганимиздек, ўткир гелиотринли гепатитда жигар-хужайра етишмовчилиги кузатилиб, синтетик жараёнларни пасайиши билан кечади. ЎТГ янги ўсимлик гепатопротекторлари билан экспериментал даволаш гепатоцитларда синтетик жараёнларни фаоллашувини кўрсатди. Жумладан, қон зардобида альбумин миқдори катацин, геранил, кавергал ва карсил 6 кун мобайнида ЎТГли каламушларга юборилганида  $27,77 \pm 1,26$  г/лдан  $35,78 \pm 2,04$ ;  $38,48 \pm 1,61$ ;  $39,08 \pm 1,83$  ва  $36,30 \pm 2,26$  г/лгача статистик ишонарли ортганини кузатдик. Бу кўрсаткичлар интакт гуруҳи хайвонлари кўрсаткичларидан ( $40,20 \pm 2,49$  г/л) ишонарли фарқланмади. Бунда биз кавергал ва геранилни устунлигини аниқладик. ЎТГли хайвонларга гепатопротекторларни узоқ муддат (12 кун) юборилганида катацин ва геранилнинг таъсири ортиб борганлигини кузатган бўлсак, кавергал ва карсилда қисман сусайганини аниқладик. Катацин, геранил, кавергал ёки карсил қабул қилган хайвонлар қон зардобида альбумин миқдори  $26,17 \pm 1,48$  г/лдан  $37,33 \pm 1,26$ ;  $38,50 \pm 1,52$ ;  $32,83 \pm 1,81$  ва  $35,00 \pm 1,45$  г/лгача кўтарилди. Шунини айтиш жоизки, катацин ва геранил билан даволанган гуруҳларда

альбумин миқдори меъёрий гуруҳ кўрсаткичларидан фарқланмаган бўлса, кавергал ва карсил қабул қилганларда пасайишга мойиллик сақланиб қолди. Демак, қўлланилган янги катацин ва геранил препаратлари карсилга нисбатан жигарнинг синтетик функциясини ошираркан ва уларнинг бундай хусусиятлари узоқ муддат қўлланилишида яққол намоён бўлади. Кавергалнинг бундай хусусияти қисқа муддатларда кузатилди.

*Ўткир токсик гепатитда гепатопротекторларнинг детоксикация ва липопероксидация жараёнларига таъсири.* Ўтказилган тадқиқотлар ЎТГнинг бчи кунда ҳайвонларда этаминалнинг уйқу давомийлиги  $72,8 \pm 8,3$  дақиқадан то  $304,6 \pm 16,8$  дақиқагача ( $P < 0,001$ ) узайди ва жигарнинг зарарсизлантириш функцияси кескин сусайганидан далолат берди. Аммо кейинги муддатда биз ҳайвонлар жигарининг зарарсизлантириш функцияси бироз бўлсада тикланганлигини кўрдик. Этаминалнинг уйқу давомийлиги  $215,6 \pm 18,6$  дақиқани ташкил этиб, интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан  $2,96$  ( $P < 0,001$ ) маротаба узайди. ЎТГни катацин билан 6 ва 12 кунлар ичида даволаш этаминалнинг уйқу давомийлиги  $149,3 \pm 13,3$  ва  $134,0 \pm 11,2$  дақиқагача қисқарди. Бундай ижобий натижалар бўлишига қарамасдан, каламушлар жигарининг зарарсизлантириш функцияси тўлиқ тикланишини биз кузатмадик, бу гуруҳ кўрсаткичлари интакт ҳайвонларнинг этаминал уйқу давомийлигига нисбатан  $2,06$  ( $P < 0,001$ ) ва  $1,84$  ( $P < 0,001$ ) маротаба юқорилигича сақланиб қолди. ЎТГни геранил моддаси билан 6 ва 12 кун даволаганимизда ҳам биз ижобий натижаларни олдик. Жумладан, бу гуруҳ ҳайвонларида этаминал билан чақирилган уйқу давомийлиги  $157,2 \pm 12,1$  ва  $103,3 \pm 9,6$  дақиқагача қисқарди. Аммо олдинги гуруҳ каби, бунда ҳам биз геранил таъсирида жигарнинг зарарсизлантириш функциясини тўлиқ тикланишини кузатмадик. Бу кўрсаткичлар меъёрга нисбатан  $2,16$  ( $P < 0,001$ ) ва  $1,42$  ( $P < 0,05$ ) маротаба даволашнинг бчи ва 12чи кунларида юқорилигича сақланиб қолди. Ўткир токсик гепатитни кавергал билан 6 кун давомида даволаганимизда биз ҳайвонларда этаминал билан чақирилган уйқу давомийлигини қисқарганини кузатмадик ( $289,6 \pm 25,7$  дақиқада сақланиб қолди). Бу кўрсаткич даволанмаган гуруҳ ҳайвонларниқидан ишонарли фарқланмади ва меъёрий кўрсаткичлардан ишонарли  $3,98$  ( $P < 0,001$ ) маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Кавергал препаратини узоқроқ киритилишида (12 кун) этаминал уйқу давомийлигини  $160,3 \pm 12,5$  дақиқани ташкил қилди, лекин, шунга қарамай, биз меъёрий кўрсаткичлардан фарқланишини, яъни  $2,2$  ( $P < 0,001$ ) маротаба давоми бўлишини аниқладик. ЎТГни 6 ва 12 кун давомида қиёсий препарат карсил билан даволаганимизда ҳайвонларда этаминал билан чақирилган уйқу давомийлиги  $161,3 \pm 7,04$  ва  $119,2 \pm 10,7$  дақиқани ташкил қилди. Аммо бундай ижобий натижаларга қарамай бу гуруҳ ҳайвонларда этаминал уйқу давомийлиги интакт гуруҳдаги ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан  $2,22$  ( $P < 0,001$ ) ва  $1,64$  ( $P < 0,01$ ) маротаба юқорилини кузатдик. Яъни, қиёсий препарат карсил ҳам гелиотрин таъсирида сусайган жигарнинг зарарсизлантириш функциясини тўлиқ тикланмаганлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, бу гелиотрин таъсирида гепатоцитларда гипоксия ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай шароитда келиб чиқадиган циркуляр ва метаболлик гипоксия биомембраналарда деструкция жараёнларини кучайтиради ва бунинг натижасида ЛПО жадаллашади, прооксидант ва антиоксидант тизимлар ўртасида номуносиблик вужудга келиши, оксиллар синтезини пасайиши ва уларни парчаланишини жадаллашиши кузатилади. Шунинг учун биз хайвонларнинг жигар гомогенатида МДА миқдорини ва каталаза фаоллигини аниқладик. Гелиотрин юборгандан сўнг 6 кун ўтгач тажрибавий хайвонларнинг жигар гомогенатида интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан МДА миқдори 2,04 ( $P < 0,001$ ) мартаба ишончли ошиши аниқланди. Бунда каталаза фаоллиги 1,81 ( $P < 0,001$ ) баробар пасайганини кузатдик. Тажрибанинг 12 кунига келиб МДА миқдори юқориликча сақланиб қолди ва меъерий кўрсаткичлардан ишонарли 1,94 мартаба ишонарли юқори бўлди. Каталаза фаоллиги эса яна ҳам пасайиб борди ва меъерий кўрсаткичлардан 1,95 мартаба паст бўлди. ЎТГни даволаш учун катацинни 6 ва 12 кун давомида қўллаш жигар гомогенатида МДА миқдорини 1,62 ва 1,66 мартаба камайтирди. Бу бизнинг фикримизча, каталазани фаолланиши билан боғлиқ чунки, унинг фаоллиги 1,45 ва 1,77 мартаба даволанмаган гуруҳдаги хайвонларнинг кўрсаткичларидан ишонарли юқори бўлди. Шунини айтиш жоизки, бундай ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамадан, МДА миқдори интакт гуруҳи кўрсаткичларидан бир мунча юқорироқ бўлди (1,26 ва 1,16 мартаба давонинг 6чи ва 12чи кунларида), каталаза фаоллиги эса меъерий кўрсаткичларга яқинлашди, айниқса, узок муддат даволанганда. ЎТГ геранил билан 6 ва 12 кун давомида даволаганда жигар гомогенатида МДА миқдори 1,67 ва 1,88 мартаба даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайди. Каталаза ферментининг фаоллиги эса 1,42 ва 1,76 мартаба юқорида келтирилган муддатларда фаоллашди. Агар ЎТГ 6 кун мобайнида даволашда интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан МДА миқдори 1,22 мартаба юқориликча, каталаза фаоллиги эса 1,27 мартаба пастликча сақланиб қолган бўлса, геранилни 12 кун давомида қўллашда барча кўрсаткичлар меъёрдан кўп ҳам фарқланмади. ЎТГни антигипоксанти кавергал билан 6 ва 12 кун даволашда жигар гомогенатида МДА миқдори даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,43 ва 1,61 мартаба пасайтирди. Лекин бу кўрсаткичлар меъёрдан 1,42 ва 1,2 мартаба юқориликча сақланиб қолди. ЎТГда кавергални 6 ва 12 кун давомида қўллаш каталаза фаоллигини жигар гомогенатида 1,21 ва 1,55 мартаба фаоллаштирди, лекин шунга қарамай улар интакт каламушлар кўрсаткичларидан ишонарли 1,49 ва 1,26 мартаба пастликча сақланиб қолди. Карсил препаратини ЎТГли каламушларда 6 ва 12 кун мобайнида қўллаш жигар гомогенатида МДАни даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,54 ва 1,87 мартаба камайтирди, каталаза фаоллиги эса 1,26 ва 1,65 баробар оширди. Меъерий кўрсаткичларга нисбатан МДА миқдори фақат 6 кун киритилганида 1,33 мартаба, каталаза эса 1,43 мартаба пастликча сақланиб қолди. Карсилни ЎТГ каламушларга 12 кун давомида

киритилиши МДА ва каталаза фаоллигини меъёрий кўрсаткичларга яқинлаштирди. Олинган натижалар ва адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосани келтириш мумкин: биз томондан ўрганилган катацин ва геранилнинг гепатопротекторлик хусусиятлари антигипоксик ва антиоксидант таъсири билан боғлиқ, улар гепатротекторлик хусусиятларига кўра кенг танилган карсилдан препаратидан қолишмайди.

*Ўткир токсик гепатитда гепатопротекторларнинг яллиғланиш цитокинлари миқдорига таъсири.* Турли хил таъсиротларга жавобан организм яллиғланиш омилларини ишлаб чиқарилиши билан жавоб беради. Бу кўп поғонали жараёнларда яллиғланишни келтириб чиқарувчи хемокинлар ва цитокинла, адгезиялаш молекуллари, интегринлар ва бошқа физиологик фаол бирикмалар муҳим рол ўйнайди. Ўтказилган тадқиқотлар ЎТГли каламушлар қон зардобида цитокинлар миқдорини кескин интакт гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан тажрибанинг 6чи ва 12чи кунларида ишонарли ортганини кўрсатди (2-жадвалга қаранг). ЎТГ да 6 ва 12 кун давомида препаратлар билан экспериментал фармакотерапия ўтказилиши бу цитокинлар миқдорини ишонарли даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайишига олиб келди. Янги ўсимлик препаратлари катацин ва геранил ЎТГли ҳайвонларда яллиғланиш цитокинларининг юқори кўрсаткичларини кескин пасайтирди, бу уларда яллиғланишга қарши фаоллиги мавжудлигидан далолат беради.

## 2-жадвал

### Ўткир токсик гепатитли каламушлар қон зардобида цитокинлар (пг/мл) миқдори фармакотерапия динамикаси, $M \pm m$ , $n=7-8$

Гуруҳлар	Цитокинлар, пг/мл		
	ИЛ-1	ИЛ-6	ФНО- $\alpha$
Интакт	1,18 $\pm$ 0,10	2,05 $\pm$ 0,29	3,17 $\pm$ 0,41
ЎТГ+H <sub>2</sub> O	$\frac{6,08 \pm 0,10^a}{7,65 \pm 0,34^a}$	$\frac{29,5 \pm 0,55^a}{31,0 \pm 0,68^a}$	$\frac{24,3 \pm 1,06^a}{35,2 \pm 1,92^a}$
ЎТГ+катацин	$\frac{1,95 \pm 0,06^{a,b}}{1,72 \pm 0,08^{a,b}}$	$\frac{15,8 \pm 1,71^{a,b}}{22,1 \pm 1,34^{a,b}}$	$\frac{15,1 \pm 1,42^{a,b}}{17,8 \pm 1,14^{a,b}}$
ЎТГ+геранил	$\frac{1,48 \pm 0,15^{b,v}}{1,65 \pm 0,15^{b,v}}$	$\frac{4,07 \pm 0,33^{a,b,v}}{5,49 \pm 0,66^{a,b,v}}$	$\frac{8,50 \pm 0,41^{a,b,v}}{9,20 \pm 0,57^{a,b,v}}$
ЎТГ+кавергал	$\frac{3,99 \pm 0,22^{a,b}}{2,99 \pm 0,10^{a,b}}$	$\frac{3,94 \pm 0,24^{a,b,v}}{4,13 \pm 0,46^{a,b,v}}$	$\frac{7,54 \pm 0,53^{a,b,v}}{8,92 \pm 0,58^{a,b,v}}$
ЎТГ+карсил	$\frac{4,13 \pm 0,21^{a,b}}{2,84 \pm 0,09^{a,b}}$	$\frac{16,1 \pm 1,28^{a,b}}{21,3 \pm 1,84^{a,b}}$	$\frac{15,4 \pm 1,46^{a,b}}{18,2 \pm 0,85^{a,b}}$

Изоҳ: суратда – даволашнинг 6чи кундаги, махражда – даволашнинг 12чи кундаги кундаги кўрсаткичлар келтирилган; а–фарқ интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан ( $P < 0,05$ ), б – даволанмаган гуруҳга нисбатан ( $P < 0,05$ ), в – таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан (ЎТГ+карсил) ( $P < 0,05$ ).

Олинган натижаларни таҳлил этарканмиз, бир нарсага урғу беришимиз керак, яъни кўпчилик патологик ҳолатларда келиб чиқадиган жигар

